

ХФР

1918-йил  
21-йундан чиқа  
бoshlagan

№4, 2024-йил  
31-январ,  
chorshanba (32.802)

# O'zbekiston OVOZI

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Birgalikda ijtimoiy davlat sari!

## Биринчи Президентимиз ёдга олинди



Президент Шавкат Мирзиёев 30 январь куни Тошкент шаҳрида Ислам Каримов ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши ва давлат қурилишида Биринчи Президентимизнинг улкан хизматлари борлигини ҳурмат билан ёдга оламиз.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг эътибори билан унинг хотираси абадийлаштирилди, мақбараси барпо этилди. Ислам Каримов таваллуд топган 30 январь кунини нишонлаш аънамага айланди.

Фидойиларини эъзозлаган халқ ҳамisha ҳурматга сазовор. Хотира тадбири бунинг яна бир ифодаси бўлди. Қуръон оятлари ўқилиб, дуо қилинди. Биринчи Президентимизнинг Ўзбекистон манфаати йўлида қилган ишлари, инсоний фазилатлари ёдга олинди.

Ислам Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасида ўтган маросимда Олий Мажлис палаталари, Президент Администрацияси ва ҳукумат вакиллари, илм-фан ва маданият намояндалари, шаҳар жамоатчилиги иштирок этди.

Биринчи Президентимизнинг Самарқанд ва Қарши шаҳарларидаги ҳайкаллари пойига ҳам гуллар қўйилди.

president.uz



2

# СИНЧКОВ ПАРЛАМЕНТ

ҲЕЧ КИМ СУДНИНГ ҚАРОРИСИЗ ВА ҚОНУНГА ЗИД ТАРЗДА УЙ-ЖОЙИДАН МАҲРУМ ЭТИЛИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАСЛИГИ, УЙ-ЖОЙИДАН МАҲРУМ ЭТИЛГАН МУЛҚДОРГА УЙ-ЖОЙНИНГ ҚИЙМАТИ ВА У ҚЎРГАН ЗАРАРЛАРНИНГ ЎРНИ ҚОНУНДА НАЗАРДА ТУТИЛГАН ҲОЛЛАРДА ВА ТАРТИБДА ОЛДИНДАН ҲАМДА ТЕНГ ҚИЙМАТДА ҚОПЛАНИШИ КАФОЛАТЛАНМОҚДА.

## СИЁСИЙ ПУЛЬС

# ПРЕЗИДЕНТ БЕЛГИЛАГАН ВАЗИФАЛАР

Йил бошидан иқтисодий, жамиятнинг турли соҳалари навбатма-навбат чуқур танқидий таҳлилдан ўтказилмоқда. Муаммоларни ҳал қилиш, соҳаларни ривожлантириш, янги босқичга олиб чиқиш бўйича муҳим, қатъий вазифалар белгиланмоқда.

Йил бошидан бери Президентимиз бошчилигида мамлакатимиз микёсида муҳокама этилган масалалар соҳа ва тармоқларда ўсишни жадаллаштириш қанчалик долзарб эканини ўқитмоқда.

Фикр қилайлик, бугун дунёда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий вазият ниҳоятда мураккаб. Шундай шароитда ҳаётимиздаги барча муҳим йўналишлар, асосий тармоқлардаги реал ҳолат очиқ муҳокама этилмаса, муаммолар вақтида ҳал бўлмаса, давлат сифатида ўрнимиз, халқимизнинг турмуши фаровонлигини сақлаш осон бўлмайди.

Шунинг учун ҳар бир соҳанинг, тизимнинг айнан давлат раҳ-

бари бошчилигида танқидий таҳлил қилиниб, вазифаларнинг аниқ белгилаб берилиши вазиятнинг нақадар муҳимлигини, ҳаётийлиги ва долзарблигини кўрсатмоқда. Айтиш мумкин ҳаммамиз англашимизга ёрдам бермоқда.

Президент белгилаб бераётган вазифалардан нафақат масъул ва мутасаддилар, кенг жамоатчилик, халқимиз яқиндан хабардор бўлиши, яхши билиши зарур. Керак бўлса, ҳар биримиз ўзимиз учун устувор вазифа ҳамда кўрсаткичларни ёзиб, белгилаб қўйишимиз ҳам жоиз. Вақти келганда, бу жамоат назоратини амалга оширишда жуда асқотади. Энг муҳими, ижро яхши турмушга, оғир энгил, узоқ яқин бўлишига хизмат қилади.

Ўтган бир ҳафтада давлатимиз раҳбари раислигида таълим тизими ҳамда қурилиш, транспорт ва экология соҳаларидаги муҳим масалалар муҳокама этилди.

Давоми 3-бетда. ▶

## ЎЗБЕКИСТОН – ХИТОЙ ИЛДИЗИ МУСТАҲҚАМ МУНОСАБАТЛАР



5

## САЙЛОВЧИЛАРГА ЯНАДА ЯҚИНРОҚ



4

# 2024 ЙИЛ УЧУН

давлат дастури лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига чиқарилди

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш” йилида амалга ошириш бўйича давлат дастури ва уни тасдиқлаш тўғрисидаги Президенти фармони лойиҳалари ишлаб чиқилиб, жамоатчилик муҳокамаси учун www.uzbekistan2030.uz веб-сайтга жойлаштирилди.

Фармон лойиҳасига кўра, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

- 2024 йил 1 июндан бошлаб ёлғиз яшаётган ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга Тошкент шаҳрида эксперимент тариқасида тегишли йўналишдаги нодавлат ташкилотлар орқали Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги маблағлари ҳисобидан ижтимоий хизматлар кўрсатиш амалиётини йўлга қўйиш;
- 2024 йилда ногиронлиги бўлган шахсларни замонавий протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилиш техник воситалари билан таъминлашнинг янги тизимини босқичма-босқич жорий қилиш;
- 2024 йил 1 сентябрдан бошлаб пенсия тай-

инлашда бир вақтнинг ўзида санаторияга навбатга қўйиш ва шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги пулни олиш билан боғлиқ ҳаракатларни проактив тарзда амалга ошириш, ногиронликни тайинлашда эса, санаторияга навбатга қўйиш ва ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган имтиёزلар тўғрисида хабардор қилиш тартибини жорий этиш.

2024 йил 1 мартдан бошлаб:

- ҳудудларда чанг бўрони содир бўлаётганда ва ҳаво таркибида майда дисперс зарралари белгиланган нормадан юқори бўлгани аниқланганда аҳолини, айниқса юрак, қон-томир ва нафас йўллари касалликларига чалинган фуқароларни зарур профилактик чоралар тўғрисида доимий хабардор қилиш амалиётини йўлга қўйиш;
- 500 ва ундан орტიқ квадрат метрлик қурилиш майдонида, унга кириб-чиқиш йўлларида чанг ва қум зарраларининг ҳавога кўтарилишини барта-раф этиш бўйича мажбурий талабларни жорий этиш;
- Тошкент шаҳрида юк ташиш учун мўлжалланган, руҳсат этилган тўла вазни 10 тоннадан юқори бўлган N2, N3, O4 тоифага кирувчи автотранспорт

воситаларининг ҳаракатини тиғиз вақт оралиқларида тақиқлаш;

– 2024 йил 1 сентябрдан бошлаб Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тажриба-синов тариқасида умумий ўрта таълим мактабларига олис ҳудудлардан қатнайдиغان ўқувчилар учун аутсорсинг асосида бепул автобуслар қатновини йўлга қўйиш;

– 2024 йил якунига қадар эҳтиёждан келиб чиқиб, вилоятлар марказлари, шунингдек, Тошкент ва Нукус шаҳарларида камида биттадан оғир гематологик, онкологик ва клиник иммунологик касалликлари бор беморларга паллиатив ёрдам кўрсатувчи хоспислар ташкил этилиши кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, 2030 йилга қадар Тошкент ва Нукус шаҳарлари, вилоятлар марказларида “ЕВРО – 5” ва ундан юқори стандартларига мувофиқ бўлмаган автомобиллар эксплуатациясини босқичма-босқич кечлаш назарда тутилмоқда.

Лойиҳалар жорий йилнинг 9 февраль кунига қадар кенг жамоатчилик ва экспертлик муҳокамаларидан ўтказилади.

## PARLAMENT FAOLIYATI

**ХАР БИР ТИЗИМНИНГ ЎЗИГА ХОС ИШЛАШ УСЛУБИ, АМАЛ ҚИЛАДИГАН МЕЪЁРЛАРИ, ТАРТИБГА СОЛИБ ТУРАДИГАН ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИ, БАЖАРАДИГАН ВАЗИФАЛАРИ МАВЖУД. ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING ФАОЛИЯТИ ХАМ БУНДАН МУСТАСНО ЭМАС. ЖАМИЯТГА КИРИБ КЕЛАДИГАН ХАР БИР ҚОНУННИНГ "ДУНЁГА КЕЛИШ" ЖАРАЁНИНИ ҚЎЙИ ПАЛАТАНИНГ ИШ ФАОЛИЯТИДА КУЗАТИШИМИЗ МУМКИН.**

**КЕЧА ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING ЯНА БИР ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА МУҲОКАМАДАН ЎТГАН МАСАЛАЛАРНИНГ БАЪЗИЛАРИ ОСОН, ЯНА БОШҚАЛАРИ ЭСА БИРОЗ ҚИЙИН, ШАРТЛИ ВА БАҲСЛАР БИЛАН МАЪҚУЛЛАНДИ.**



# СИНЧКОВ ПАРЛАМЕНТ

Биринчи ўқишда кўриб чиқилган "Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси билан **Уй-жой кодексига** тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда. Яъни, **ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан махрум этилишига йўл қўйилмаслиги, уй-жойидан махрум этилган мулкдорга уй-жойнинг қиймати ва у қўрган зарарларнинг ўрни қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда олдиндан ҳамда тенг қийматда қопланиши** кафолатланмоқда.

Депутатлар лойиҳанинг концепцияси бугунги кун учун жуда ҳаётий ва зарур эканлигини таъкидлаши билан бирга, лойиҳада компенсация нима эканлиги, унинг тартиби аниқ очиб берилишига зарурат борлигини ҳам айтиб ўтди.

Лойиҳа биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан маъқуллангандан сўнг, палата Спикери қонун ташаббускорларига лойиҳага юзаси муносабатда бўлмастик кераклиги, киритилаётган баъзи ўзгартишлар асосланганлиги, уларни амалга ошириш механизми очиб берилганини келтириб, иккинчи ўқишга қаттиқ ишлаш кераклигини айтди.

## ОҚИБАТГА ҚАРШИ КУРАШАМИЗМИ?

Йиғилишда гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар, шунингдек, кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларнинг қонунга хилоф равишда муомаласига қарши курашишга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

Бугунги кунда вояга етмаган шахсларни жалб қилган ҳолда ҳамда телекоммуникация тармоқлари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш орқали гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларнинг қонунга хилоф равишда муомаласи кўпайиб бораётганлиги жавобгарлик чораларини қайта кўриб чиқишни таъқозо этмоқда.

Мазкур лойиҳа билан гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни телекоммуникация тармоқлари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб қонунга хилоф равишда муомалага киритилганлик, ушбу жиноятларни вояга етмаганларни жалб қилган ҳолда содир этганлик учун жавобгарлик чоралари кучайтирилмоқда.

Бир кун аввал бўлиб ўтган Қонунчилик палатасидаги сиёсий партияларнинг фракция йиғилишида **ЎЗХДП фракцияси аъзоси Мақсуда Ворисова** муҳим саволни ўртага ташлаганди.

– Мен лойиҳада белгиланаётган жавобгарликларнинг янада кучайтирилишини қўллаб-қувватлаган бўлардим. Сабаби, бу юртимизнинг келажигига даҳл қиладиган масала. Лойиҳанинг мазмунидан аниқлаш мумкинки, биз оқибатга қарши курашмоқчимиз. Лекин мамлакатимиз ичкарисидда ҳам бу моддаларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйган кимсалар йўқ эмас. Уларга қарши курашиш учун қандай тақлифларнингиз бор?

Масъул бошқармаимиз томонидан **сўнги олти ойда 30 кг га яқин синтетик-наркотик моддалар** олиб қўйилган. Аниқланган ҳолатлар бўйича текширувлар шуни кўрсатмоқдаки, моддаларнинг катта қисми, яъни, **тахминан 90 фоизи хорижий мамлакатларда ишлаб чиқарилган** ва Ўзбекистон ҳудудига турли йўللار билан кириб келган. Юртимизда бу моддаларнинг савдоси тақиқланган. Шу кунгача мамлакатимизда бир дон бундай лаборатория аниқланган, деб жавоб берди.

Жавобда келтирилган рақамлардан аниқлаш мумкинки, юртимизда бу оғунинг ишлаб чиқарилиши ҳали оммалашиб кетмаган. Демак, ушбу қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши келажакда ҳам бу соҳадаги курашда қўйилган самарани беради.

## БАҲО ЭМАС, ХУЛОСА БЕРИШ КЕРАК

Мажлисда, шунингдек, суд ва тергов органларига жалб этиладиган баҳоловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини янада мустаклашга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан соҳага оид қонунларда суд экспертлари ва баҳоловчи ташкилотлар учун умумий баҳолаш қоидалари, мезон ва тартибларни белгилаш назарда тутилмоқда.

Хусусан, суд экспертлари томонидан баҳолаш йўналишидаги тадқиқотлар баҳолаш объектлари, баҳолаш объекти қийматининг турлари ва уларнинг бозор қиймати, шунингдек, баҳолаш стандартларига оид белгиланган умумий талаблар асосида ўтказилиши мустаҳкамланмоқда.

Лойиҳани Адлия вазирининг ўринбосари Алишер Каримов ўқиб эшиттирди. Муҳокамалар бошланиши билан Спикер Нуриддин Исмоилов ташаббускорларга сизлар тақдим этаётган лойиҳада нимани назарда тутаётганликларингизни аниқлаш қийин, тушунишимча, бу тақдим этилган лойиҳа суд-экспертларга институтининг ҳуқуқий табиатини бузади, сизлар баҳоловчи ташкилот эмас, аксинча, баҳоловчи ташкилотлар берган баҳога хулоса беришингиз керак, лекин бу лойиҳа сизларни баҳоловчи ташкилотга айлантириб қўймоқда, деди.

Қонун лойиҳаси биринчи ўқишда маъқулланди. Аммо ўзгартирилаётган, тушунтиришлар киритилаётган жойлари кўп эканлиги таъкидланиб, иккинчи ўқишга булар инobatта олиниши кераклиги ҳам айтиб ўтилди.

## БЕПАРВОЛИК ВА ХОТИРЖАМЛИК ОРАСИ

Йиғилиш якуний қисмида республикада, шу жумладан, Тошкент шаҳрида атмосфера ҳавоси ифлосланишининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги Азиз Абдуҳақимовнинг ахбороти эшитилди.

Вазирнинг таъкидлашича, мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик муаммоларни ҳал этиш ва уларнинг салбий оқибатларини бартараф қилиш борасида тизимли ишлар қилинмоқда.

» **Бу галги ялпи мажлис аввалгиларидан фарқли ўтди. Кимдир мулойимлик билан ўз фикрларини, эътирозларини намоён қилаётган бўлса, яна кимдир айрим жазолар учун маъмурий жарималарни оширишни сўрайди, бошқаси унга, биз депутатлармиз, халқ вакилларимиз, қайсидир моддани оғирлатишимиз эмас, аксинча, юмшатишимиз керак, деб жавоб беради.**

Жумладан, атмосфера ҳавоси ифлосланишининг фон мониторингини амалга ошириш мақсадида **республиканинг 26 та туман (шаҳар)ларидаги 74 та кўчмас кузатув пунктларида, шу жумладан, 8 та автоматлаштирилган мониторинг станцияларида** кузатувлар йўлга қўйилган.

Ўтган 2023 йилда атмосфера ҳавосига ташламалар **2 138,3 минг тоннани ташкил этган бўлса, улардан 1 279,9 минг тоннаси ёки 59,9 фоизи автотранспорт воситалари, 858,4 минг тоннаси ёки 40,1 фоизи sanoat корхоналари ҳиссасига** тўғри келган.

Азиз Абдуҳақимовнинг ахбороти тинглангандан сўнг депутатлар вазирга саволлар билан мурожаат қилди.

**Дилором ИМОМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎЗХДП фракцияси аъзоси:**

– Тахтақорача доводидан Китоб тумани ҳудудига ўтсангиз, атроф-муҳитга цемент заводининг таъсирини яққол сезишингиз мумкин. Мамлакатимиз ривожига ҳисса қўшаётган бундай корхоналарнинг ҳаммаси ҳам экологик талабларга жавоб берадими. Бундай корхоналарни аҳоли яшаш пунктлари ва муҳофаза этиладиган ҳудудлар яқинида жойлаштириш қанчалик тўғри?

**Саволга вазир қуйидагича жавоб берди:**

– Яхши биламизки, цемент заводлари-

нинг асосий хом ашёси тош ҳисобланади. Шу боисдан цемент заводлари тоғли ҳудудларда кўпроқ қурилади. Минг афсуски, олдинги йилларда тоғ ҳудудларида экологик туризмни ривожлантириш ўрнига, баъзи жойларда цемент заводларини ишга тушириш орқали ўша ҳудуднинг табиатига ҳам, маҳаллий аҳолининг соғлиғига ҳам катта зарар етказилмоқда. Шунга ўхшаш айрим ҳолатларни бориб ўрганишимизда 5-10 км масофани чангли қоплама қоплаганига гувоҳ бўлдик. Амалдаги қонунчиликда табиатга етказилган шундай зарар учун бор-йўғи 100-200 млн жарима қўлланар экан. Биз бундай ҳолат учун жарималарни қарасига ошириш бўйича тақлиф ишлаб чиқаямиз.

Муҳокамалар якунида сиёсий партияларнинг фракциялари, хусусан, **ЎЗХДП фракцияси** муносабат ва тақлифларини билдирди.

– Бугун вазиримиз билан бирга жуда муҳим масалани муҳокама қиляпмиз. Бу мамлакат келажигига, халқимизнинг генотипига тегишли масала десак ҳам бўлади. Сабаби, яшаётган иқлимимизнинг ўзгариши бизнинг ҳам, фарзандларимизнинг ҳам соғлиғига таъсир қилади. Шунинг учун мазкур масала фракциямизда чуқур муҳокама қилиниб, кучли мунозаралар бўлди. Биз маълумотларни қабул қилиш билан бирга, бир нечта тақлиф билдирмоқчимиз.

**Биринчи тақлиф.** "Яшил макон" – жуда тўғри лойиҳа. Биз ҳар йили миллионлаб кўчатлар экяпмиз, лекин ҳамма жойда ҳам суғориш тизими тўғри йўлга қўйилмаган. Натижада кўплаб кўчатлар нобуд бўлмоқда. Шу сабабдан экиладиган кўчатларнинг суғориш тизими ва уларни парвариш қиладиган масъулларни белгилаб олишимиз зарур.

**Иккинчи тақлиф.** Ҳудудларнинг ери, иқлими, суви, тупроғининг таркибини инobatта олиб кўчатларни танлаш керак. Ҳамма ҳудудга бир хил кўчат экиш илмий асосга эмас, деб ўйлаймиз.

**Учинчи тақлиф.** Шаҳарлар учун бош планлар тузиш керак. Уларни тузишда нафақат экологик меъёрлар, балки санитар-гигиеник меъёрлар ҳам инobatта олиниши керак. Чунки бинолар ёки ижтимоий объектлар қурилганда ҳаво айланишига имкон қолма-япти.

**Тўртинчи тақлиф.** Аҳолини асосланган, ишончли маълумотлар билан хабардор қилиб бориш лозим. Бу бизни ортиқча беғамликдан ва ваҳимадан халос қилади.

**Бешинчи тақлиф.** Иқлими ёки сув шароити бизга яқин бўлган ва муаммоларни ижобий ҳал қилган давлатларнинг тажрибасидан унумли фойдаланишни йўлга қўйишимиз муҳим.

Бу галги ялпи мажлис аввалгиларидан фарқли ўтди. Кимдир мулойимлик билан ўз фикрларини, эътирозларини намоён қилаётган бўлса, яна кимдир айрим жазолар учун маъмурий жарималарни оширишни сўрайди, бошқаси унга, биз депутатлармиз, халқ вакилларимиз, қайсидир моддани оғирлатишимиз эмас, аксинча, юмшатишимиз керак, деб жавоб беради.

Баъзи лойиҳалар ҳали ишланиши керак бўлса ҳам биринчи ўқишда маъқулланди. Бу ҳаммаси осон ўтади эмас, аксинча, муҳокамалар яна давом этади, дегани.

**Аҳмад ҚУРБОНОВ, "Ўзбекистон овози" муҳбири.**



СИЁСИЙ ПУЛЬС

# ПРЕЗИДЕНТ БЕЛГИЛАГАН ВАЗИФАЛАР

## ҲАЁТ-МАМОТ МАСАЛАСИ

26 январь куни Президент мактаб таълими сифатини яхшилаш чора-тадбирларига оид тақдимот билан танишди.

Қайд этилдики, мамлакатимизда 10 минг 284 та мактаб бор. Сўнгги йилларда улардаги шароитларни яхшилаш, ўқувчи ўрнини кўпайтириш бўйича кўп ишлар қилинди. **Мактабларни йилига ўртача 400 минг ўқувчи битираётган бўлса, уларнинг 170 минг нафари таълими давом эттирмақда. Ривожланган давлатларда 50 фоиздан зиёд битирувчилар профессионал таълим муассасасига киради.**

Ҳозиргача **208 та мактабнинг юқори синф ўқувчиларига 3 та йўналиш бўйича касбга ўргатиш йўлга қўйилди.** Чет тилини билиш сертификатига эга бўлган **мактаб битирувчилари сони охиригича икки йилда 6 минг нафардан 18 мингга етди.**

Бу ишларни изчил давом эттириш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Тақдимотда шу мақсаддаги чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Педагогларнинг билим ва маҳорати масаласига эътибор қаратилди. **Малака ошириш марказлари эскича ишлаётгани, илмий салоҳияти юқори эмаслиги қайд этилди.** Шу боис 14 та ҳудуддаги бундай марказларнинг фаолиятини қайта кўриб чиқиш, ўқитувчиларни касбий ривожлантириш дастурларини жорий этиш вазифаси қўйилди.

Мактабларда хорижий тил бўйича ўқув дастурларини такомиллаштириш, олий таълим муассасаларининг ўқув режаларини бу билан уйғунлаштириш зарур. Хорижий тилни интенсив тарзда ўргатиш амалиётини ҳам кенгайтириш лозимлиги таъкидланди.

«Давоми, бошланғич 1-бетда».



**Хусусий мактаблар учун лицензия талабларини янада соддалаштириш, кредит, солиқ ва коммунал тўловлардан қўшимча энгилликлар бериш бўйича таклифлар билдирилди.**

Мутасаддиларга таълим ташкилотлари фаолияти ва таълим сифати мониторинги платформасини ишга туширишга топшириқ берилди.

## ЖАМИЯТНИНГ ЮРАГИ

29 январь куни Президент раислигида уй-жой ва коммунал хўжалиги, қурилиш, транспорт ва экология соҳаларидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Қурилиш соҳасига замонавий стандартларни жорий қилиш ва сифатини таъминлаш борасида

камчиликлар кўплиги айtilди.

**Ичимлик суви таннархи ва тармоқлардаги йўқотишлар камайгани, фуқаро авиациясида маҳаллий рейслар талабга нисбатан 2-3 баробар камлиги, темир йўлда юк ташишга кўп вақт кетаётгани, Тошкент шаҳрида тирбандлик муаммоси ҳалигача ҳал этилмагани, ҳаво ифлосланишининг олдини олиш бўйича чоралар етарли эмаслиги қайд этилди.**

Танкидий рўхта ўтган йиғилиш аввалида шу каби камчиликларнинг сабаблари кўриб чиқилди.

Транспорт, коммуникациялар, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги тизимига кирувчи барча вазири ва ҳоким ўринбосарлари фаолиятига самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) жорий этилиши белгиланди.

**Жорий йилда инвестиция**

**дастури доирасида 1 минг 637 та инфратузилма иншооти қурилиши режалаштирилган.** Давлатимиз раҳбари бунда бюджет маблағларини самарали ишлатиш, қурилишлар сифатини таъминлаш зарурлигига эътибор қаратди.

Мутасаддиларга қурилиш меъёрларини хорижий тажриба асосида янгилаш, қурилиш материаллари соҳасида "яширин иқтисодиёт"га чек қўйиш, бу борада электрон классификаторни ишга тушириш бўйича топшириқлар берилди. Шунингдек, **2025 йил 1 январдан бюджет ҳисобидан қилинадиган барча харидлар Солиқ қўмитасининг "Е-омбор" платформаси орқали амалга оширилиши белгиланди.**

**Йиғилишда шаҳарларни режалаштиришдаги камчиликлар кўрсатиб ўтилди.** Кўп жойларда бу ўз ҳолига

» **Ичимлик суви таннархи ва тармоқлардаги йўқотишлар камайгани, фуқаро авиациясида маҳаллий рейслар талабга нисбатан 2-3 баробар камлиги, темир йўлда юк ташишга кўп вақт кетаётгани, Тошкент шаҳрида тирбандлик муаммоси ҳалигача ҳал этилмагани, ҳаво ифлосланишининг олдини олиш бўйича чоралар етарли эмаслиги қайд этилди.**

ташлаб қўйилгани оқибатида ижтимоий инфратузилма, хизматлар ва иш ўринлари бирдек ривожланмаяпти. Айрим бинолар пала-партиш, кўчалар қиёфасига номуносиб қурилаяпти. Шу боис, ўзбошимчилик билан ва ноқонуний қурилган объектларни тартибга олиш бўйича қонунчиликни мустақкамлаш, тегишли идоралар иштирокида янги тизим яратиш зарурлиги таъкидланди.

**Мутасаддиларга ичимлик суви сифати стандартларини янгилаш, барча иншоотларда жорий этиш, насосларни модернизация қилиб, сув етказиб бериш таннархини камайтириш бўйича топшириқлар берилди.**

**Тошкент шаҳрида тирбандлик муаммосининг ечимини топиш, дренаж тизимини модернизация қилиш бўйича ҳам кўрсатмалар берилди.**

Йиғилиш якунида Бош вазири ўринбосарлари, вазири ва ҳокимлар жорий йилги режалари бўйича ахборот берди.

# ҚИЗАМИҚ АСОРАТИДАН ФАРЗАНДИНГИЗНИ АСРАНГ!

2023 йилда дунёда, хусусан, Европа ва Марказий Осиё мамлакатларида қизамиқ бўйича эпидемиологик вазият тобора кескинлашиб бормоқда. Утган йилги кўрсаткичлар 2022 йилдаги барча касалликлар сонидан ортиб кетган.

Сўнгги пайтларда ЖССТ қизамиқ билан касалланиш тезлашганини бот-бот таъкидламоқда. Шошилиш чоралар кўрилмасда, ўсиш тенденцияси давом этишини билдириб, шошилиш эмлаш ишларини олиб боришга чақирмоқда. Бу ваҳима эмас. Утган йили ЖССТнинг Европа минтақасига кирувчи 53 та давлатдан 40 тасида 42 мингдан ортиқ қизамиқ касаллиги қайд этилган. Вазият мураккаб бўлиши мумкин.

UNICEF берган хабарга кўра, 2023 йилнинг январидан 5 декабрига қадар Европа ва Марказий Осиёда қизамиқ билан касалланганлар сони 2022 йилдаги 909 тандан 30 601 нафарга етган.

## ЎЗБЕКИСТОНДА ВАЗИЯТ ҚАНДАЙ?

Четга бориб келаётган қизамиққа қарши эмланмаган аҳоли, айниқса, болалар орасида қизамиқ билан касалланиш ҳолатлари учрайпти. Шунингдек, хориждан келган қизамиқ билан касалланганлар билан мулоқотда бўлган эмланмаган аҳоли ва 1 ёшгача бўлган болалар ўртасида бу касаллик аниқланаяпти.

**Касаллик асосан куз-қиш мавсумида тарқалади, одамдан-одамга жуда тез юқади. Санитари-**

**я-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси бош мутахассиси Хурсаной Жамалова қўйидагиларни гапириб берди:**

## ҚИЗАМИҚ ҚАНДАЙ КАСАЛЛИК?

—Қизамиқ юқори юқумлилик даражасига эга, оғир кечувчи ўткир инфекция вирусли касаллик ҳисобланади. У ҳаттоки болаларнинг ўлимига ҳам сабаб бўлади. Қизамиққа қарши эмлаш амалиётга киритилгунга қадар, яъни ўтган асрнинг 60-йилларигача ҳар йили минглаб болалар қизамиқ билан касалланиб, унинг асоратидан вафот этган. Шунинг учун дунёда, шунингдек, республикамизда 1963 йилдан бошлаб қизамиққа қарши вакцина соғлиқни сақлаш тизимида миллий эмлаш календарига киритилди.

Онадан олган иммунитет ҳисобига 12 ойгача бўлган болалар қизамиқ билан касалланмайди.

Касаллик асосан ҳар хил сабаблар билан эмланмаган аҳоли ва болаларда учрайди. Кўпчилик бу фақат болаларда учрайди, деб ўйлайди. Аммо ундай эмас. Қизамиқ ҳар қандай ёшдаги одамга юқиши мумкин. Тўғри, эмланмаган чақалоқлар, боғча ва мактаб болаларда бу кўп учрайди. Катталарда эса асосан талабалар, чет эллик саёҳатчилар ва тиббиёт ходимларида кузатилади. Чунки қизамиқ билан касалланган кишилар билан мулоқотда бўлганлар касалликни

тез юқтиришади. Бу ҳаво орқали, касалланган одамнинг бурун ёки сўлак ажралмаларидан юқади.

Қизамиқ вируси хона ҳавосида 2 соатгача сақланиши мумкин.

## КАСАЛЛИК БЕЛГИЛАРИ ҚАНДАЙ?

Дастлаб оғиз бўшлиғининг шиллик қаватларида кичкина оқ доғлар пайдо бўлади. Касалликнинг энг характерли аломатларидан бири моларлар тағидаги доғлар ҳисобланади. Улар вируснинг шиллик қаватни йўқ қилганлиги сабабли пайдо бўлади. Оқ доғлар қизил шишган чегара билан ўралган. Шу асосда қизамиқни шу каби кўринишга эга бўлган бошқа касалликлардан ажратиш мумкин.

Қизамиқ босқичма-босқич ривожланади ва бошланғич давр бир неча ҳафта давом этиши ва умуман ўзини намоён қилмаслиги мумкин. Қизамиқнинг биринчи белгилари ўткир респиратор вирусли инфекция белгиларига жуда ўхшайди. Кишида йўтал, бурун оқиши, иситма кузатилади.

У суҳбат давомида, йўталганда, аксирганда ҳавога ўтади. Натижада кўшни ҳонага ўтади, шу тариқа бошқа хоналарга ҳам тарқалади. Беморда тана ҳароратининг кўтарилиши, юқори нафас йўллари яллиғланиши, конъюнктивит, терида ўзига хос босқичма-босқич доғли тошмалар топиши кузатилади. Касалликнинг 3-5 кунда эса қизамиққа мос бўлган томоқда ва оғиз бўшлиғида сто-

матитлар пайдо бўлади. Овознинг бўғилиб, ларенгитсимон йўтал ҳам шу даврда безовта қилади.

Касалликнинг дастлабки 5 кун иситма қиладиган даври юқумли даври саналади. Шунинг учун юқоридаги белгилар кузатилганда бемор шифокорни ўз йўлига чақиритиш керак. Бу билан касаллик тарқалишининг олди олинад.

## АСОРАТИ ҲАМ ЖУДА ХАВФЛИ

—Қизамиқ болалар саломатлигига ёмон таъсир кўрсатади, баъзан эса ўлимга ҳам олиб келиши мумкин. Чунки қизамиқ юққанидан сўнг болада иммунитет тизимининг узоқ муддатли заифлашишига олиб келади. У организмни бошқа юқумли касалликларга чидамсиз қилади, шу жумладан, пневмонияга нисбатан заифроқ қилади.

Қизамиққа қарши эмланмаган 5 ёшгача бўлган болалар, айниқса, чақалоқлар ўртасида касалланиш асоратларга олиб келиш даражаси юқоридир. **Ҳар 20 нафар бемордан бирида зотилжам асорати кузатилади. Шунингдек, ҳар 1000 нафар бемордан бирида энцефалит, ўрта қўлоқнинг яллиғланиши, тўлиқ кўрлик, ўткир диарея кузатилади. Бу эса умрбод ногиронликка олиб келиши мумкин.**

Қизамиқ вируси келтириб чиқарган зотилжам ёки иккиламчи бактериял инфекция қизамиқ касаллигидан ўлим ҳолатига олиб келадиган асосий асоратларга ҳисобланади.

## ЯГОНА ЙЎЛ — ЭМЛАШДИР!

Қизамиқдан ҳимояланишнинг ягона усули бу эмлаш ҳисобланади. Ушбу касалликка қарши вакцина 50 йилдан ортиқ вақт давомида ўзини оқлаб келмоқда.

Миллий эмлаш календарини асосида ҳар бир ота-она яшаш мазлидаги поликлиникага мурожаат этиб, фарзандини 1 ёшда ва 6 ёшда қизамиққа қарши эмлатиши керак. Аммо Ўзбекистонда эпидемик кўрсаткичларга кўра, 6 ойликдан 5 ёшгача бўлган болаларнинг вакциналарнинг барчаси хавфсиз ва самарали. Эмлашдан кейинги жиддий ноҳўя ҳолатлар умуман қайд этилмаган.

Касаллик белгилари пайдо бўлганда эса зудлик билан шифокорга ёки тез ёрдамга мурожаат қилиш лозим. Албатта, бу юқумли касаллик бўлгани учун беморни алоҳида далаш талаб этилади. Шифокор тавсияси асосида керакли даволаш олиб борилади.

Эмлаш саломатлик кафолати эканини ҳар биримиз чуқур англаб етишимиз лозим. Баъзилар бепарво бўлса, айримлар бунга беписанд қараётгани ҳам ҳақиқат. Ҳушёр бўлайлик. Шунда нафақат ўзимиз, балки яқинларимиз соғлиғини ҳам асраган бўламиз.

**Лазиза ШЕРОВА,  
"Ўзбекистон ovozi" муҳбири.**

DEPUTAT VA HAYOT

# САЙЛОВЧИЛАРГА ЯНАДА ЯҚИНРОҚ

## Қонунчилик палатаси депутатлари округларда аҳоли вакиллари билан учрашмоқда

### МУРОЖААТ ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Севара Назарова Фарғона вилояти, Фарғона туманидаги "Кончилар" маҳалласида яшайди. У ҳам барча ўзбек аёллари каби ҳаётини фарзандлари, турмуш ўртоғининг бахти учун сафарбар этиб келмоқда. Бироқ шу кунларда оиланинг бошига ташвиш тушган. Сабаби, оила бошлиғи Дилшоджон Назаров хасталикка чалинган. Уни даволатиш учун анча маблағ керак. Севара Назарова моддий ёрдам сўраб мурожаат қилди. Унинг ҳолатини англаган масъуллар "Саховат ва кўмак" жамғармасидан ёрдам ажратилишини таъкидлашди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Дилбар Мамаджанова, туман ҳокими, Халқ қабулхонаси мудирини ҳамда тумандаги бошқа мутасаддилар иштирокида Фарғона туманидаги "Кончилар" МФЙда ўтказилган қабулда шу ва бошқа 10 га яқин масала ечим топадиган бўлди.

Жисмоний ва юридик шахслар томонидан 40 дан зиёд масала мурожаат бўлди. Улар асосан даволаниш, кўмир ёқилгиси, ичимлик суви билан таъминлаш, кўчаларни шағаллаштириш, уй-жойни таъмирлаш, тадбиркорликни ривожлантириш ва бошқа масалаларга тааллуқли бўлди.

Хусусан, Комилахон Пўлатова ўзи яшайдиган кўчанинг асфальт қилинмаганини билдирди. Ёзда чанг, ёгингарчилик пайтлари лойга ботиб қолаётган автомобиллар ҳамда мактабга қатнайидиган болаларга енгиллик яратиш учун энг камиди шағаллаштиришга эҳтиёж борлигини айтиб, масъуллардан амалий ёрдам сўради. Мурожаатни туман ободонлаштириш бўлими ўз зиммасига олди.

Муслимахон Азизова газ балони, Мунтазам Ҳошимова, Назокат Авазхўжаева, Роҳилахон Турғунова кўмир ёқилгиси бўйича кўмак сўради. Уларнинг масаласи ҳам жойида

ҳал этилди ва шу куннинг ўзида баллон ҳамда кўмир етказиб берилди.

Яқинларига иқтисодий дастак бўлишни истаган Зарифжон Зокиров, Нилуфар Ашурматова туман ташкилотларига ишга жойлаштириладиган бўлди.

Қатор масалалар депутат назоратига олинди. Мутасадди раҳбарларга ҳар бир мурожаатни ўз вақтида, қонун доирасида кўриб чиқиш юзасидан тавсиялар ҳам берилди.

### БОЛАЛАР ДАСТУРХОНИ

Депутат Зулайхо Ақромова Жиззах вилояти Дўстлик тумани "Мевазор" маҳалласидаги 5-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотига бўлди ва дастлаб ошхона ҳолати ўрганилди. Болаларга овқат тайёрланиш жараёни, тозаллик ҳолати, озиқ-овқатлар ҳамда бошқа маҳсулотларнинг қай тартибда сақланаётгани кўздан кечирилди. Овқатнинг мазаси, солинган масалликлар ҳам эътибордан четда қолмади. Чунки соғлом овқатланиш саломатликнинг асосий гаровидир.

Маълумот ўрнида: айни пайтда мазкур муассасасида 180 дан ортиқ ўғил-қиз тарбияланади. ДМТТ таъмири учун 2023 йил маҳаллий бюджет хисобидан 4 миллиард, ташаббусли бюджетдан 800 миллион сўм маблағ ажратилиб, тўлиқ қайта таъмирланган ва замонавий жиҳозлар билан таъминланган.

Депутат муассасани кўздан кечирар экан, у ерда ишловчи ходимлар билан ҳам суҳбатлашди. Учрашувда 2023 йил 22 декабрь куни Президентимиз раислигида ўтказилган Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишининг мазмун-моҳияти ҳақида сўз борди. Мамлакатимизда маънавият ва маърифатни ривожлантириш, соҳанинг иқтисодий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда мазкур жабҳада Президентимиз томонидан 9 та йўналишда илгари сурилган ташаббусларнинг аҳамиятига тўхталиб ўтилди.

Зулайхо Ақромова халқ депутатлари Дўстлик туман Кенгашининг фаолияти билан ҳам танишди. Депутатларнинг ишини ортга суриши мумкин бўлган жиҳатлар, сайловчиларнинг манфаатлари йўлида ҳал этилиши зарур бўлган масалалар муҳокама қилинди.

### ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТ

Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Фирдавс Шариповнинг сўзларига кўра, сайлов округида самарали иш олиб борилди. Сайловчилар билан маҳаллаларда учрашилиб, ижтимоий объектлар ўрганилди, тадбиркорлар, аҳоли вакиллари билан юзма-юз мулоқот қилиниб, уларнинг

» **Депутат маҳаллалардаги "еттилик" билан мулоқот қилиб, уларнинг фаолиятини самарали ташкил этиш юзасидан фикр алмашди. Ўрганиш давомида бир қатор муаммолар юзасидан тегишли вазирликларга таклифлар киритиш режалаштирилди.**

мурожаатлари, таклифлари тингланди.

Биринчи манзил Денов туманидаги "Истиқлол юлдузи" маҳалласи бўлди. Ушбу маҳаллада "Обод хонадон – обод кўча – обод маҳалла" мезонларини жорий этиш бўйича ички кўчалар, 1983 йилда қурилган маҳалла биноси таъмирланмоқда, кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, маҳалладаги 18-сонли оилавий поликлиника фаолияти ўрганилди, беморлар билан суҳбат қурилди. Таъкидланишича, замонавий тарзда барпо этилган ушбу поликлиникада қўлай шароит бор. Бироқ умумий амалиёт шифокори, педиатр, ЛОР каби мутахассис-шифокорлар етишмайди.

Денов туманидаги "Намуна", "Қорахон" ва "Элобод" маҳаллаларидаги "маҳалла еттилиги"нинг фаолияти билан бевосита танишилди, аҳоли вакиллари билан суҳбат олиб борилди.

Денов тумани Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимида бўлиниб, меҳнат ярмаркаларнинг самардорлиги, мигрантлар, хорижий давлатларда ишлаш мақсадидаги аҳолини касб-ҳунар ва хорижий тилларга ўқитиш масалалари, бандлик дастури ижроси ҳамда норасмий бандликни легаллаштириш билан боғлиқ ишлар ҳолати ўрганилди.

Ақсарият маҳалла мутасаддилари ҳар бир маҳалла учун алоҳида солиқ инспектори тайинланиши зарурлигини таъкидлади. Ҳозирда 4 тадан 7 тагача маҳаллада битта солиқ инспектори фаолият олиб бормоқда. Сабаб сифатида жорий йил 1 январидан бошлаб, "Маҳалла бюджети" тизими амалиётга жорий этилиши натижасида солиқларни ундириш ва маҳалла бюджетининг даромадини шакллантиришда иш ҳажмининг кенглиги, белгиланган муддат

ларда улгурмаслик ҳолатлари келтирилди. Учрашувларда кўтарилган масалалар бўйича депутат қатор вазифаларни белгилаб олди.

### АНДИЖОНДА ВАЗИЯТ ҚАНДАЙ?

Депутат Елена Бабенко бошчилигидаги учрашув бу гал Андижон шаҳри 21-сайлов округидаги "Ўзгариш" ва "Хунарманд" МФЙ сайловчилари билан бўлиб ўтди. Учрашувда МФЙ раислари, масъуллари, фаоллар ҳам иштирок этди. Унда дастлаб мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида фикр алмашилди.

Депутат бир муддат аввал муаммоси ўрганилган ҳудудда ҳам бўлди. Гап шундаки, Андижон тумани "Бобогози" оилавий поликлиникаси эски қурилиш ташкилотидан қолган бинода жойлашган эди. 2022 йилнинг кузида мазкур поликлиникада Қонунчилик палатаси депутати ачинарли ҳолатга гувоҳ бўлган. У ерда иситиш тизими ишласа, хоналар талабга жавоб бермасди.

Шундан келиб чиқиб, депутат маҳаллий ижро ҳокимияти, соғлиқни сақлаш идораларига мурожаат йўллади. Амалий ишлар натижасида 3 та МФЙда истиқомат қилувчи 10 000 дан зиёд аҳолига хизмат кўрсатаётган бу даргоҳ замонавий усулда таъмирланиб, санитария талаблари асосида фаолият кўрсатишни бошлади. Айни пайтда у ерда 48 нафар шифокор ва ҳамширалар малакали хизмат кўрсатапти.

Депутат ўзгаришларни кўздан кечирар экан, таклиф-мулоҳазаларни ҳам ўрганди. Сайловчиларнинг мурожаатларини белгилаб олди.

### ҚОНУНЛАР ТАРҒИБ ҚИЛИНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Қизилгул Қосимова Тошкент вилоятидаги Чиноз тумани "Барраж" маҳалласида жойлашган 4-умумтаълим мактабига сайловчилар билан жорий йилдаги биринчи учрашувини ўтказди. Унда Искандар ҳамда "Барраж" МФЙда истиқомат қилувчи аҳоли вакиллари қатнашди. Дастлаб қонунчиликдаги ўзгаришлар ҳақида сўз борди.

Депутат берган маълумотлар, янгиликларни йиғилганлар мамнуният билан қабул қилди. Фуқаролар ўзларини қийнаётган масалаларга қонунан ечим топиш юзасидан таклифларини ҳам ўртага ташлади. Айрим масалалар жойида ҳал этилди. Аҳоли вакиллари депутатлар кўпроқ маҳаллаларда бўлиши кераклигини ҳам таъкидлади.

Депутат маҳаллалардаги "еттилик" билан мулоқот қилиб, уларнинг фаолиятини самарали ташкил этиш юзасидан фикр алмашди. Ўрганиш давомида бир қатор муаммолар юзасидан тегишли вазирликларга таклифлар киритиш режалаштирилди.

Сайловчилардан қатор мурожаатлар бўлди. Баъзилари жойида ҳал этилса, бошқаларининг ечими юзасидан вазифалар белгиланди. Жумладан, колхоз-совхозларда ишлаган пенсионерларнинг нафақасини қайта кўриб чиқиш зарурлиги қайд этилди. 4-сон умумтаълим мактаби 1974 йилда қурилган бўлиб, таъмирга муҳтож ҳолатда. Ушбу муассасани дастурга киритиш ҳақида таклифлар тайёрланди.

Бундан ташқари, "Барраж" МФЙ марказий йўлдаги сув қувурини таъмирлаш билан боғлиқ масалаларнинг ечими бўйича ҳам вазифалар белгиланди. Маълум бўлишича, ҳудуддаги канал атрофига тўсинлар ўрнатилиши керак. Чунки бу мактабга қатнайидиган болалар учун хавфли. Аҳоли ушбу масалада ҳам амалий ёрдам сўради. Депутат масъулларга мурожаат йўллайдиган бўлди.

Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг барча аъзолари жойларда ана шундай учрашув ва ўрганишлар олиб борди. Сайловчилар кўтарган масалаларни ҳал этиш чоралари кўрилмоқда.

**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,**  
"Ўзбекистон ovozi"  
муҳбири.





HAMKORLIK

**БУГУНГИ ГЛОБАЛЛАШУВ  
ДАВРИДА ҲАР ҚАНДАЙ  
МАМЛАКАТНИНГ ХАЛҚАРО  
МАЙДОНДАГИ ЎРНИНИ,  
НУФУЗИНИ БЕЛГИЛАБ  
БЕРУВЧИ ЭНГ МУҲИМ  
ОМИЛЛАРДАН БИРИ  
УНИНГ ФАОЛ ТАШҚИ  
СИЁСАТ ЮРИТИШИДИР.  
ЯНГИЛАНАЁТГАН ДУНЁ  
ТАРТИБОТИДА ЎЗБЕКИСТОН  
ҲАМ ЎЗ ЎРНИГА, СЎЗИГА ЭГА  
БЎЛИШИ ҲАҚИДА КЎПЛАБ  
МУТАХАССИСЛАР ФИКР  
БИЛДИРМОҚДА.**



ЎЗБЕКИСТОН – ХИТОЙ

# ИЛДИЗИ МУСТАҲКАМ МУНОСАБАТЛАР

Дарҳақиқат, кейинги йилларда Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг фаол иштирокчисига айланмоқда. Буни Ўзбекистоннинг йирик куч марказлари билан ўзаро муносабатлари мустаҳкамлашиб бораётганида ҳам кўрямиз. Жумладан, Ўзбекистон етакчиси Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан 23-25 январь кунлари давлат ташифи билан ушбу мамлакатда бўлди.

Иккала давлат раҳбарлари ҳам кейинги йилларда ўзаро муносабатлар кучли суръатда ривожланаётганини таъкидладилар.

Бўлиб ўтган олий даражадаги музокаралардан сўнг икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Хусусан:

- Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ўртасида атроф-муҳити муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;
- Техник-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида битим;
- Инсон ресурсларини ривожлантириш бўйича ҳамкорлик тўғрисида битим;
- Давлат илмий-тадқиқот муассасалари ҳамкорлиги тўғрисида битим;
- Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ва Хитой Халқ Республикаси Таълим вазирлиги ўртасида хитой тилини ўқитиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;
- Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Хитой Халқ Республикаси Божхона бош бошқармаси ўртасида Ўзбекистондан Хитойга нўхат экспорт қилишда фитосанитар талаблар ва назорат тўғрисида баённома;
- Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва Хитой Халқ Республикаси Ислохотлар ва ривожланиш давлат қўмитаси ўртасида Хитой – Марказий Осиё – Европа темир йўл экспресслари бўйича ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисида баённома;
- Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва Хитой Халқ Республикаси Тижорат вазирлиги ўртасида янги электр транспорт воситалари соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида баённома;
- Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ва Хитой Халқ Республикаси Қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ масалалари вазирлиги ўртасида камбағалликни қисқартириш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида ахдлашув баённомаси;
- Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ва Хитой Халқ Республикаси Фан ва технологиялар вазирлиги ўртасида илмий-техник ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисида ҳамкорлик баённомаси;
- Ўзбекистон Республикаси Техник тартибга солиш агентлиги ва Хитой Халқ Республикаси Стандартлаштириш маъмурияти ўртасида стандартлаштириш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида баённома;
- Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва Хитой фуқаролик авиацияси бошқармаси ўртасида “Ҳаво йўли”ни биргалликда барпо этиш тўғрисида келишув;
- Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Туризм қўмитаси ва Хитой Халқ Республикаси Маданият ва туризм вазирлиги ўртасида 2024-2026 йилларда туризм соҳасидаги ҳамкорлик режаси;

## ИЗЧИЛ ҲАМКОРЛИК ИЖТИМОЙ БАРҚАРОРЛИК КАФОЛАТИГА АЙЛАНМОҚДА

Давлатимиз раҳбари Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан 23-25 январь кунлари давлат ташифи билан ушбу мамлакатда бўлди. Таъкидлаш керакки, бу 2024 йилдаги илк расмий ташифи бўлгани ҳам чуқур маъно-мазмунга эга.

Ўзбекистон ва Хитой муносабатлари тарихий илдири бир неча минг йилликларга бориб тақалади. Бугунги Ўзбекистоннинг очиклик, дўстоналик, ўзаро тенглик каби принципларга асосланган ташқи сиёсати натижасида Ўзбекистон–Хитой ҳамкорлиги мустаҳкам асосга эга янги даврга қадам қўймоқда. Буни статистик рақамлар ҳам тасдиқлайди. Хусусан, ўтган 2023 йилда ўзаро товар айирбошлаш 50 фоизга ошиб, 14 миллиард долларга етган. Шу рақамнинг ўзи ҳам мамлакатимизнинг энг йирик ҳамкорларидан бирига айланганининг яққол исботи.

Олий даражадаги музокаралардан сўнг имзоланган Қўшма баёнотда ўзаро манфаатли ҳамкорликни турли соҳаларда ҳар томонлама мустаҳкамлаш ҳамда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги барча шароитларда ҳар томонлама стратегик шерикликни мазмун жиҳатидан бойитишга интилиши тасдиқланди. Бу ўзаро муносабатларнинг янги даври бошланишидан дарак бермоқда.

Бу барчамизни барқарорлик ва ҳамкорликнинг зарурати ва аҳамияти ҳақида мушоҳада юритишга ундайди. Ўзбекистон–Хитой муносабатларидаги бир неча муҳим омилларга тўхталиб ўтмоқчимиз. Жумладан:

Биринчи масала – Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ва Хитой Халқ Республикаси Қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ масалалари вазирлиги ўртасида камбағалликни қисқартириш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида ахдлашув баённомаси.

Хитойнинг камбағалликни қисқартириш билан боғлиқ тажрибасини бутун дунё тан олиб ундан андоза қўлланмоқда. Юртимизда ҳам бу тажрибанинг айнан хитойлик мутахассислар ёрдамида қўлланилиши аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилиши табиий.

Иккинчи масала – шиддат билан ўсиб бораётган ўзаро иқтисодий ҳамкорлик. Бунда Хитойдан жалб қилинаётган фаол инвестициялар оқими натижасида барқарор иш ўринлари яратилиб, доимий даромадга эга бўлган иқтисодий фаол аҳоли қатлами кенгайди.

Учинчи масала – “Бир макон, бир йўл” ташаббуси. Тарихдан маълумки, савдо йўллари кесишган нуқталарда замонасининг йирик шаҳарлари пайдо бўлган. “Бир макон, бир йўл” ташаббусининг амалга ошиши Марказий Осиёга, жумладан, Ўзбекистонга Фарб ва Шарқни боғловчи транспорт хаби бўлиш имкониятини яратди. Бу экспорт-импорт ҳажмининг кескин ошишига, ишчи кучининг эркин ҳаракатланишига замин яратди. Натижада юртимиздаги ижтимоий барқарорликнинг янада мустаҳкамланишига асос бўлди.

Қайд этиш зарурки, Ўзбекистон–Хитой ҳамкорлигининг мустаҳкамланиши мамлакатимизда умумий турмуш фаровонлиги ошишида, долзарб ижтимоий масалалар самарали ҳал этилишида муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Хитой билан алоқалар ҳар томонлама мустаҳкамланиши халқимизнинг тарихий анъаналари ва бугунги манфаатларига тўлиқ мос келади.

Халқ демократик партияси ўзаро манфаатли кўп томонлама иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга хизмат қиладиган ташаббусларни тўлиқ қўллаб-қувватлайди.

Улуғбек ИНОЯТОВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси раҳбари.

глобал цивилизациялараро мулоқотни мустаҳкамлашга қақирар экан, ҳеч нарса унинг ривожланишига, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш учун зарур шарт-шароитларни яратишга, энг долзарб масалаларда ўзаро мақбул муроасага эришишга тўсқинлик қилмаслиги керак, деган фикри ҳам келтириб ўтилган.

Global Times нашрида эса ХХР раиси Си Цзиньпин ва Шавкат Мирзиёевнинг Пекинда бўлиб ўтган музокаралари чоғида Хитой ва Ўзбекистон икки томонлама муносабатлари янги давр учун ҳар томонлама кенг қамровли стратегик шериклик даражасига кўтарилгани таъкидланган.

Мақолада мутахассислар Хитой ва Ўзбекистон муносабатлари янги босқичга кўтарилгани сари икки томон ҳам янги, ҳам анъанавий соҳаларда ҳамкорлик кучайишини қайд этган.

Хабарда Си Цзиньпиннинг Ўзбекистон бундан 32 йил аввал Хитой билан дипломатик муносабатлар ўрнатишда Марказий Осиё давлатлари орасида етакчилик қилган, икки халқ Ипак йўли руҳини мерос қилиб олган, Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик чуқур илдирилган ва гуллаб-яшнаётган ҳаётий кучга эга, деган фикри келтирилган.

Шунингдек, Си Цзиньпин Хитой ва Ўзбекистон ҳамisha бир-бирига самимият ва ишонч билан муносабатда бўлгани, ҳозирги мураккаб халқаро вазиятдан келиб чиққан ҳолда, ҳар икки томон бир-бирини қатъий қўллаб-қувватлаши кераклиги, Хитой Ўзбекистоннинг миллий суверенитети, мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилишда, тараққиёт йўлини мустақил танлашда қатъий қўллаб-қувватлашини таъкидлагани келтирилган.

Яна бошқа кўпга нашрларда ҳам Ўзбекистон – Хитой муносабатларида янги давр бошланаётганлиги айтилмоқда. Жаҳон майдонида сиёсий можаролар кучаяётган, ўзаро ишончга асосланган муносабатлар инқирозга учраётган бир пайтда, Хитойдек глобал куч маркази билан иккиёклама алоқаларни мустаҳкамлаш ўзбек дипломатиясининг улкан ютуғидир.

Аҳмад ҚУРБОНОВ тайёрлади.

– Тошкент вилояти ва Шэньси музофоти ўртасида шериклик алоқаларини ўрнатиш тўғрисида битим;

– Самарқанд ва Циндао шаҳарлари ўртасида шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисида битим каби ҳужжатлар имзоланди.

Давлатимиз раҳбарининг Хитойга сафари мамлакатимиздаги ОАВда кенг ёритиб борилди. Шу билан бирга, мезбон давлат ОАВ ҳам Ўзбекистон етакчисининг ташифи ҳақида бир қатор қизик фикр ва таҳлилларни эълон қилган.

Масалан, XINHUA нашри Ўзбекистон Президентининг – Ўзбекистон Хитойнинг дўстона қўшниси ва ҳар томонлама стратегик ҳамкори сифатида эришилаётган муваффақиятлардан чин дилдан мамнун экани, Хитой билан кўп қиррали муносабатларни ривожлантириш Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатидаги асосий устувор йўналишлардан бири бўлиб келгани ва шундай бўлиб қолиши мазмунидаги фикрларини келтириб ўтган.

Хабарда, шунингдек, Шавкат Мирзиёев



## OCHIQ GAPLAR



## БАРАКА ТОПГУРЛАР

Сурхондарё вилояти ва Қумқўрғон тумани ҳокимликлари ташаббуси билан муҳтож оилага 3 хонали уй-жой қуриб берилди, аммо...

Қумқўрғон туманининг "Уяс" маҳалласида яшовчи Муҳаббат Муҳаммадиева тақдир синовларини сабот билан енгиб келмоқда. Қаҳрамонимиз 18 йилга яқин турли кўнгилсизликларни бошидан кечирган. Ҳоҳида тизгинсиз азоблар ҳоритган бўлса, баъзан чексиз ўқубатлар озор берган. Аммо ҳаётга бўлган интилиш ва келажақдан умидворлик тарк этмаган уни.

...Муҳаббат 1995 йилнинг куз ойларида турмушга чиқади. Икки нафар фарзанд дунёга келган. Аммо аста-секин оила қўрғонига дарз кета бошлайди. 2011 йилда эр-хотин ажрашиб, фарзандлар етим қолган. Қизни ота қарамоғига олган бўлса, ўғил онага эргашиди. Аросатда қолган ожиза Жарқўрғон туманининг "Марказий Сурхон" маҳалласида яшовчи акаси Нарзулло Вафоевнинг хонадонидан бошлана топган. Қисмат экан, она-бола 2022 йилда яна Қумқўрғонга – туғилиб ўсган қишлоғига қайтиб келади.

...Бировникида яшаш барибир оғир ботаркан, – дейди Хусниддин Қурбонов. – Кўчиб келганимиздан кейин онам билан дала четига икки хонали уй қурдик. Уни кимдир харобага, бошқа биров вайронага қиёслаган бўлса-да, биз учун беминнат макон вазифасини бажарган ўшанда...

– Ҳаётнинг ўзига хос қувонч ва ташвишлари бор, – дейди "Уяс" маҳалласи хотин-қизлар фаоли Зулфия Менғинёзова. – Синов ва машаққатлари бўлиши табиий. Турмуш чорраҳаларида

учрайдиган ана шундай мушкулларни сабр-бардош билан енгиб ўтган киши, албатта, кўзлаган мақсадига эришади.

...Ўтган йилнинг эрта баҳорига ҳудудда ҳатлов ўтказдик. Муҳаббат опа ўгли билан овлоқ жойда яшаётгани аниқланди. Ҳолатни тегишли комиссия иштирокида атрофлича ўргандик. Шундан кейин Сурхондарё вилояти ва Қумқўрғон тумани ҳокимликларининг амалий ёрдами билан уч хонали уй қурилиши бошланди.

– Инсон учун ватансизликдан оғир изтироб бўлмаса керак, – дейди Муҳаббат Муҳаммадиева кўзда ёш билан. – Турмушимиз қандай кечади, ўғлимни қачон уйлантираман, қаерда яшаймиз, эртанги кунимиз нима бўлади, деган жавобсиз саволлар туну кун тинчлик бермаган менга. Аламимни кўз ёшдан олиб, нуқул йиғлардим.

...Хушхабарни эшитганимда эса ўзимни буткул йўқотиб қўйдим. Бир неча марта янги иморатни қўргани бордик. Ҳокимликлар томонидан шағал, қум, тош, шифер, тахта ва бошқа қурилиш маҳсулотлари олиб келинди. Мурувватли ҳомийлар ва меҳр-оқибатли юртдошларимиз ҳам қараб туришгани йўқ. Қўрмак ва қулай гўша қад ростлаётганидан беҳад мамнун эдик.

Аммо хурсандчилигимиз узоққа чўзилмади. Қутилмаганда ижтимоий тармоқларда ёлғон хабарлар тарқалди. Нега бундай бўлганини, тўғриси, ҳанузгача тушунайман...

– Ўтган йилнинг ёз ойларида пойтахтдан бир гуруҳ меҳмонлар келди, – дейди Қумқўрғон туман ҳокими ўринбосари, туман оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Нигора Жумаева. – Аҳоли би-

лан учрашувлар ўтказдик. Орадан кўп ўтмай – 13 июнь кuni интернетда оила оғир аҳволда яшаётганию мутасаддиларнинг бепарво қараб келаётгани "достон" қилинди. Масалага бирёқлама ёндашилгани кўпчиликни ажаблантирди. Чунки, ўша даврда уч хонали уйда пардозлаш ишлари якунланаётганди.

Сўз қудратли куч эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Асоссиз миш-миш ва турли шов-шувлар одамларни чалғитади. Хавотир ва иккиланишларга сабабчи бўлиши мумкин. Шундай экан, ҳеч қачон адолат ва холисликни унутмайлик.

– Ватанимиз Муस्ताқиллигининг 32 йиллик байрами арафасида янги хонадонга кўчиб ўтдик, – давом этади Муҳаббат опа хурсандчилигини яширолмади. – Ҳовли тўйида кимдир телевизор, яна бир юртдошимиз мебель совға қилди. Уй-рўзғор буюмларидан тортиб, озиқ-овқат маҳсулотларига олиб келишди, барака топгурлар. Тўрт сотихли мўъжаз томорқада озиқ-овқат маҳсулотлари етиштираямиз. Энг муҳими – ишляямиз.

Дунё ахшиликлар билан гўзал, эзгуликлар билан абадий, дейдилар. Ака-ўка ва опа-сингилларимдан бир умр миннатдорман. Қариндошларнинг беминнат кўмагини асло унутмайман. Оғир кунларда ёрдам қўлларини узати, ғамхўрлик кўрсатган вилоят ҳақида туман ҳокимликларига раҳмат. Бағрикенг, меҳрибон, жонқуяр, саховатпеша ва олийҳиммат юртдошларимиз сафи кенгайверсин.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,  
"Ўзбекистон ovozi" муҳбири.

## ҚАНДЛИ ВА ҚАНДСИЗ ДИАБЕТ: уларнинг фарқи нимада?

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, бугунги кунда дунёда 400 миллиондан ортиқ киши қандли диабетдан азият чекмоқда. Мутахассислар бу кўрсаткич йилдан-йилга фақат ортиб боришини башорат қилмоқда.

Диабет деганда аксариятимиз қандли диабетни тушунамиз. Қандсиз диабет ҳам борлигини эса кўпчилик билмайди.

Хўш, қандли ва қандсиз диабет бир-бирдан нимаси билан фарқ қилади?

Ушбу саволга тиббиёт фанлари доктори, профессор Замира Ҳалимова жавоб берди:

– Қандли диабет 2 турга бўлиниб, биринчиси организмда инсулин етарли даражада ишлаб чиқарилмаётганлиги натижасида пайдо бўлса, иккинчиси ҳужайраларнинг инсулинга сезувчанлигининг пасайиши туфайли келиб чиқади, – дейди мутахассис.

Қандсиз диабетни ҳам икки асосий турга ажратиш мумкин – марказий ва нефроген. Кўпинча касаллик ривожланиши организмда суюқликни ушлаб туришга жавоб берадиган вазопрессин гормонини ишлаб чиқаришдаги муаммолар билан боғлиқ бўлади.

Шу боис, ҳаддан ортиқ даражада, яъни қандли диабетга чаплинган беморларга нисбатан кўп – бир кунда 5-15 литргача пешоб ажралиб чиқиши, кучли чанқоқ-

лик ҳисси бу хасталикнинг асосий аломатларидан ҳисобланади.

Меъда ости безидаги паталогиялар, гормонал ўзгаришлар, айрим дори воситаларнинг ноҳўя таъсири, ўсмалар, ирсий мойиллик ҳам қандсиз диабетга чалиниш сабабларидан бўлиши мумкин.

Бу белгилар қандли диабетда ҳам кузатилиши мумкин. Аммо қандли диабетда озиб ёки семириб кетиш, яраларнинг секин битиши, терининг қичиши каби симптомлар ҳам учраб туради. Диабетнинг бу икки турига барча ёшдаги кишилар, ҳатто, болалар ҳам чалиниши мумкин.

Қандли диабетни даволаш жараёни мунтазам равишда инсулин препаратини қабул қилиш ва парҳез тутишни назарда тутаяди.

Қандсиз диабетда эса, энг аввало, уни келтириб чиқарган асосий касаллик ўчоги бартараф этилиб, кейин кўшимча вазопрессин сакловчи гормонал ўрин босувчи терапия ва бошқа муолажалар бажарилади.

Айтиш жоизки, иккала касалликни даволашда ҳам, биринчи навбатда, шифокорга мурожаат қилиб, тегишли текширувлардан ўтиш зарур. Уларнинг натижалари, хасталик босқичи, беморнинг умумий аҳволига қараб унга зарур муолажа ва дорилар тайинланади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги  
Матбуот хизмати.



## ДИҚҚАТ: ИС ГАЗИДАН ОГОҲ БЎЛИНГ!

Куз-қиш мавсумида аҳоли ўртасида ис газидан заҳарланиш ҳамда ҳаво-газ аралашмаси чақнаши билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар юзага келмоқда, ис газининг (углерод оксиди) – рангсиз, таъмсиз ҳидсиз заҳарли газ. У ер юзида энергиянинг жадал ишлатилишидан юзага келувчи, табиатда энг кўп тарқалган газлардан бири. У асосан кўмир, табиий газ ва бошқа ёқилғиларнинг тўлиқ ёнмаслиги сабабли юзага келади. Ҳаво таркибида 0,1 фоиз ис газининг бўлиши ўлим ҳолатига олиб келиши мумкин. Ис газининг организмга тушганда, у қон таркибидаги гемоглабин ва кислород ташувчи эритроцитларни ўзаро боғлаб, кислороднинг тана бўйлаб ҳаракатланишини чеклайди. Натижада, бош айналиши, бош оғриғи, ҳушини йўқотиш, кўз олдининг қоронғуланиши, кўнгил айнаиши, нафас олиш оғирлашиши ва йўтал тутиши каби оқибатларга олиб келади.

Аҳоли орасида ис газидан заҳарланиш ҳолатлари, газ тармоқларидаги авариялар ҳамда уларнинг оқибатида юзага келиши мумкин бўлган фавқулотда вазиятлар сони сўнгги вақтда тез-тез кузатилмоқда.

Шу боис, фуқароларимиздан яшаш хонадонларидаги иситиш тизимларини меъёр талаблари даражасида ўрнатишларини сўраймиз.

С.РАЖАБОВ,  
Хатирчи тумани ФВБ  
тезкор бўлима бошлиғи, капитан.  
А.ҲАЗРАТОВ,  
туман ФВБ катта инспектори,  
оддий аскар.

## БИЛАСИЗМИ?

Боқувчи вафот этганлиги муносабати билан **етказилган зиённинг ўрни** иш берувчи томонидан қопланади

Боқувчи вафот этганлиги муносабати билан етказилган зиённинг ўрни қуйидагича қопланади:

– вояга етмаган шахсларга – 18 ёшга тўлгунча қадар;

– 18 ёшдан ошган ўқувчиларга – кундузги таълимни тугатгунча, лекин кўпи билан 23 ёшга тўлгунча қадар;

– 55 ёшдан ошган аёлларга ва 60 ёшдан ошган эркекларга – умрбод;

– ногиронлиги бўлган шахсларга – ногиронлик муддатига;

– марҳумнинг қарамоғида бўлган болаларини, набираларини, ака-укалари ва опа-сингилларини парваришлаш билан банд бўлган ота-онасидан бирига, эрига (хотинига) ёки бошқа оила аъзосига – қарамоғидаги шахслар 14 ёшга тўлгунча қадар.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг аукцион орқали **ер участкаси сотиб олиш** харажатларининг бир қисми қоплаб берилади

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ва таркибида ногиронлиги бўлган шахс бор оиланинг электрон он-лайн-аукцион орқали ер участкасини сотиб олиш билан боғлиқ харажатлари қоплаб берилиши белгиланган.

Бунда ер участкасини аукцион орқали сотиб олиш харажатларидан келиб чиққан ҳолда, оила таркибида ногиронлиги бўлган шахслар сонидан қатъи назар, БҲМнинг 100 бараваригача (34 млн сўмгача) миқдорда бир марталик тўлов ажратилади.

Тиббиёт ходими **фаолиятига тўсқинлик қилганлик** учун жавобгарлик бор

Тиббиёт ходимининг қонуний тиббий фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки шу мақсадда тиббиёт ходимига қонунга хилоф равишда ҳар қандай шаклда таъсир ўтказиш қуйидаги жавобгарликка сабаб бўлади:

– фуқароларга БҲМнинг 5 бараваридан 7 бараваригача (1 млн 700 минг сўмдан 2 млн 380 минг сўмгача) миқдорда жарима;

– мансабдор шахсларга БҲМнинг 7 бараваридан 10 бараваригача (2 млн 380 минг сўмдан 3 млн 400 минг сўмгача) миқдорда жарима ёки 15 суткагача муддатга маъмурий қамок.

t.me/huquqiyaxborot

## Шахсга доир маълумотларни йиғиш қандай амалга оширилади?

Аҳоли тўғрисида тўла ва ишончли маълумотга эга бўлиш мақсадида «Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинган.

Қонуннинг асосий мақсади аҳолини рўйхатга олиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлиб, унинг 23-моддаси бевосита шахсга доир маълумотларни йиғиш тартибини белгилайди.

Шахсга доир маълумотларни йиғиш давлат тилида ўтказилади. Давлат тилини билмайдиганлар эса ўзининг она тилида ёки эркин равишда танланган мулоқот тилида сўровдан ўтказилиши мумкин.

Аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш муддати ичида яшаш жойида бўлмаган ёки вояга етмаган шахслар бўлган респондентлар тўғрисидаги маълумотлар улар уй ҳўжалигининг вояга етган аъзолари томонидан маълум қилинади. Ўзига нисбатан васийлик ёки ҳомийлик белгиланган шахслар тўғрисидаги шахсга доир маълумотлар уларнинг васийлари ёхуд ҳомийлари томонидан маълум қилинади.

Аҳолини рўйхатга олиш дастурида назарда тутилмаган саволлар бўйича шахсга доир маълумотларни йиғиш тақиқланади.

Даврон ТОҲИРОВ,  
Юнусобод туман статистика бўлими бошлиғи.



MOLIYA

# Камайиш эмас, ўсиш кутяпмиз

МАРКАЗИЙ БАНК БОШҚАРУВИНИНГ ЖОРИЙ ЙИЛ 25 ЯНВАРДАГИ ЙИҒИЛИШИДА АСОСИЙ СТАВКАНИ ЙИЛЛИК 14 ФОИЗ ДАРАЖАСИДА ЎЗГАРИШСИЗ ҚОЛДИРИШ БЎЙИЧА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ. МАРКАЗИЙ БАНК МАТБУОТ АНЖУМАНИДА ШУ ВА БОШҚА МУҲИМ РАҚАМЛАР, ФАКТОРЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ БЕРДИ. АНЖУМАНДА МАРКАЗИЙ БАНК РАИСИ МАМАРИЗО НУРМУРАТОВ, РАИСНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ НОДИРБЕК САЙДУЛЛАЕВ ҲАМДА РАИС ЎРИНБОСАРИ БЕҲЗОД ҲАМРАЕВ ИШТИРОК ЭТДИ.

Анжуманда иқтисодиётдаги юқори талаб динамикаси таъсирида шаклланаётган кутилмаларни инобатга олиб, асосий ставка даражаси ўзгаришсиз қолдирилгани қайд этилди. Шунингдек, прогнозларга кўра, инфляция йил якунида 8-9 фоизни ташкил этиши кутяпмиз.

– 2023 йилда иқтисодий ўсишнинг 6 фоизга ча тезла-

ши-шида асосий капиталга инвестициялар ҳажмининг юқори суръатда ўсиши муҳим аҳамият касб этди, дейди Марказий банк раиси Мамаризо Нурмуратов. – Иқтисодиётга ажратилган кредитларнинг ижобий динамикаси, фискал рағбатлантиришларнинг юқорилиги ва пул ўтказмалари иқтисодий ўсиш суръатларини қўллаб-қувватловчи омиллардан бўлди. Шу билан бирга, жаҳон иқтисодиётидаги қатъий молиявий шароитлар, меҳнат бозорларининг мувозанатлашиши ва хом ашё товарлари нархларининг пасаювчи динамикаси таъсирида глобал инфляциянинг жорий йилда ҳам секикшишида давом этиши кутяпмиз. Қолаверса, савдо ҳамкорлардаги жорий иқтисодий тенденциялар ва кутилмаларни инобатга олиб, келгуси ойларида сўмнинг реал алмашув курсига нисбатан юқори босимлар кузатилмаслиги тахмин қилинмоқда.

Янгиланган прогнозларга кўра, асосий сценарий бўйича 2024 йилда умумий инфляция 8-9 фоиз, базавий инфляция даражаси эса 7-8 фоиз атрофида шаклланиши кутяпмиз. Жорий йилда эса макроиктисодий ривожланишнинг қайси сценарий шартлари асосида кечизи ташқи иқтисодий омиллар билан бирга макроиктисодий барқарорлиқни таъминлашнинг ички омиллари, яъни таркибий слоҳотлар суръатлари, фискал интизом ва пул-кредит сиёсати таъсирчанлиги боғлиқ бўлади.

Айни пайтда айрим тартибга солинадиган нархларда қўллаётган ўзгаришлар, акциз ва қўшилган қиймат солиғи бўйича киритилган сўнгги ўзгаришлар ҳисобига кейинги ойларида ички нархларга бир марталик таъсир эҳтимолларини пасайтириш чоралари кўриломоқда. Асосий ташқи хатарлар, глобал фрагментациянинг кучайиши ва юқори глобал инфляциянинг жараёнларнинг узокроқ муддат сақланиб қолиши билан боғлиқ бўлади.

Ялпи ички маҳсулотнинг реал ўсиши 5,5-6 фоиз атрофида бўлиши прогноз қилинмоқда. Бир сўз билан айтганда, Марказий банк асосий ставка бўйича келгуси қарорларини умумий инфляциянинг янгиланган прогнозларидан келиб чиқиб қабул қилади ва инфляциянинг 5 фоизлик таргет кўрсаткичига эришиш учун зарур пул-кредит шароитларини таъминлаб боради.

Асосий маълумотлардан кейин Мар-

казий банк раиси Мамаризо Нурмуратов журналистларнинг саволларига жавоб берди.

– **Ўзбек сўми 2023 йилда неча фоизга қадрсизланди?**

– Сўм 2023 йилда 9,8 фоизга қадрсизланган. Курснинг девалвация даври йилнинг иккинчи ярмига тўғри келиб, асосий савдо ҳамкор давлатлар валютаси курсидаги ўз-



ши-шида асосий капиталга инвестициялар ҳажмининг юқори суръатда ўсиши муҳим аҳамият касб этди, дейди Марказий банк раиси Мамаризо Нурмуратов. – Иқтисодиётга ажратилган кредитларнинг ижобий динамикаси, фискал рағбатлантиришларнинг юқорилиги ва пул ўтказмалари иқтисодий ўсиш суръатларини қўллаб-қувватловчи омиллардан бўлди. Шу билан бирга, жаҳон иқтисодиётидаги қатъий молиявий шароитлар, меҳнат бозорларининг мувозанатлашиши ва хом ашё товарлари нархларининг пасаювчи динамикаси таъсирида глобал инфляциянинг жорий йилда ҳам секикшишида давом этиши кутяпмиз. Қолаверса, савдо ҳамкорлардаги жорий иқтисодий тенденциялар ва кутилмаларни инобатга олиб, келгуси ойларида сўмнинг реал алмашув курсига нисбатан юқори босимлар кузатилмаслиги тахмин қилинмоқда.

га-ри-шлар ва ташқи савдо балансидаги шаклланиб қолган ҳолат алмашув курсига маълум даражада босимни кучайтириб, девалвацияни тезлаштирган. Шунингдек, жорий иқтисодий тенденциялар ва кутилмаларни инобатга олиб, келгуси ойларида сўмнинг реал алмашув курсига юқори босимлар кузатилмаслигини кутяпмиз. Марказий банк ҳеч қачон курс бўйича прогноз бермайди. Фақат қўллаётган кутилмалар ва уларнинг қанақа таъсирлари бўлишини айтиш мумкин.

Маълумотларига кўра, сўмдаги банк депозитлари юқори фоиз ставкасида шаклланипти, бу эса банк депозитлари ўсиш суръатини 2023 йилда ҳам сақлаб қолиши имконини берган. Инфляцияни таргетлаш стратегиясининг асосий мақсадларидан бири – одамларнинг сўмдаги омонатларини оширишдан иборат. Бу борадаги ишлар кўринмаётган бўлса ҳам баъзи рақамларни келтириб ўтсам. 2019 йилда аҳолининг омонатлари 2 миллиард доллар эквивалентига тенг бўлган бўлса, 2023 йил якунига мазкур кўрсаткич 7 миллиард долларга етди. 2023 йилда Ўзбекистонга 11,4 миллиард долларлик пул ўтказмалари кириб келди. Бу 2022 йилга нисбатан 33 фоизга кам бўлса, 2021 йилга нисбатан 42 фоизга кўп, дегани.

– **Ўтган йилда ҳам, жорий йилда ҳам доллар курси сўмга нисбатан кескин ўсишда давом этмоқда. Бундан бир йил аввал бир доллар 11 318 минг сўм бўлган бўлса, 2024 йил январь ойининг сўнгги кунларида 12 430 сўмни ташкил этди, яъни бир йилда 1 минг 112 сўмга қимматлаган. Шу тариқа ўзбек валютаси 10 фоизга қадрсизланди. Нима сабабдан миллий валютамиз АҚШ долларига нисбатан тез қадрсизланиб бормоқда?**

– Миллий валютамизни қадрсизланиши Марказий банкнинг хатти-ҳаракатига боғлиқ эмас. Курсни бозор белгилайди. Талаб ва таклиф белгилайди. Марказий банк ҳеч қачон курс прогнозини бермаган. Бизнинг иқтисодий салоҳиятимиз ошса, ташқи иқтисодий алоқалардаги ўрнимиз, мавқемиз кўтарилиб борса, курсимизнинг қадрсизланиши шунча пастроқ бўлади. Фақат қўллаётган кутилмаларни, қанақа таъсирлари бўлишини айтиб ўтамиз. Ҳар йили сўмимиз қадри ўртача 1,5 баравар ўсаяпти. Охириги 3 йилда миллий валютамиз қадри 2 миллион

эквивалентдан 7 миллион эквивалентга ўсди. Бу, умумий аҳолига нисбатан олиб қарайдиган бўлсак, камдир. Бироқ маълум жиҳатдан аҳолининг ишончи ошмоқда.

– **Ўтган матбуот анжуманларида Марказий банк раҳбарияти томонидан эндиликда мижозларга хизмат кўрсатишда қоидабузарликка йўл қўйган банклар ва уларнинг филиалларининг номларини Марказий банк оммавий ахборот воситалари эълон қилади, деб маълумот берганди. Аммо Марказий банкнинг Банк назорати қўмитаси томонидан 2023 йилнинг декабрь ойидаги йиғилишларида амалдаги қонунчилик талабларига риоя этилмагани оқибатида 3 та банкка нисбатан айрим операцияларнинг амалга оширилишига чеклов ўрнатилди ва 2 та банкка эса жарима санкцияси қўлланилгани хабар қилинди. Нима учун ушбу жаримага тортилган банклар номи очикланмади?**

– Биз буни муҳокама қилиб, бир нарсага тўхталдик. Бевосита аҳолида тижорат банклар тўғрисида нотўғри тушунча шаклланишига учун банкнинг ички фаолияти билан боғлиқ ҳолатларда чора кўрилган, банклар номини эълон қилмасликка қарор қилдик.

– **Келгуси йилдан ташқи қарз олиши мумкинми?**

– 2023 йилда Ўзбекистоннинг ташқи қарзи бироз камайган, аммо 2024 йилда ортиши мумкин. Бу дегани, яъни давлат кафолатисиз жалб қилинган қарзлар янада кўпайиши мумкин. Янада аниқроқ айтганда, жорий йилда Ўзбекистон ҳукумати 5 миллиард доллар миқдорда ташқи қарз олишни режалаштирган. Бундан ташқари, 2024 йилдан жаҳонда қарз олиш ставкалари пасайиши ҳисобига ташқи қарзларни давлат кафолатисиз жалб қилиш тизими янада кенгайишини кутяпмиз. 6 фоиз иқтисодий ўсишни фақат ички ресурс ва жамғармаларга таянган ҳолда амалга оширишимиз қийин бўлади. Шунинг учун ҳам биз ташқи бозорлардан маблағлар жалб қилишимиз фақат иқтисодий ўсишимизга замин яратади.

– **2023 йилда Ўзбекистонга қанча инвестиция киритилган?**

– Асосий капиталга киритилган инвестициялар 352 триллион сўмни, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми эса 7,2 миллиард долларни ташкил қилган. Ўзбекистонга киритилаётган инвестициялар ҳажми юқори суръатларда ўсишда давом этмоқда. Бу келгусида ҳам ялпи таклиф омилларини кучайтиришга замин бўлади. 2023 йилда асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми 2022 йилга нисбатан қарийб 22 фоизга ўсган. Бу дегани, албатта, бизга ялпи таклиф томонидан маълум бир иқтисодий замин шаклланиб бораётганидан, вужудга келаётган қўшимча таклифни қаноатлантириш учун яратаётганидан далолатдир.

– **Россиядан пул ўтказмалари камаймоқдами?**

– 2023 йилда пул ўтказмаларнинг камайиши Россиядаги меҳнат мигрантларимиз сони камайиб бораётгани билан боғлиқ. 2023 йилнинг биринчи чораги якунларига кўра, Ўзбекистон фуқарола-

рига Россияда ишлаш учун берилган патентлар ва рухсатномалар сони 12 фоизга камайган ва 1,2 миллионгани ташкил қилган. Шу билан бирга, меҳнат миграциясида географияси кенгайган. Яъни, бошқа мамлакатлардан пул ўтказмалари ҳажми 2023 йилда 14 фоизга ошган. Маълумотларга кўра, 2024 йил охирига келиб пул ўтказмалари ҳажми тахминан 12-12,5 миллиард долларни (10–12 фоизлик ўсиш) ташкил этиши кутяпмиз. Россияга ишлаш учун борганлар сони 12 фоизга камайган. Иккинчи томондан олиб қарайдиган бўлсак, меҳнат миграциясининг географияси кенгайётган бўлиши мумкин. Пул ўтказмалари борасида 2024 йилда камайиш эмас, аксинча, 5-6 фоиз ўсишни кутяпмиз. Ўз навбатида, бошқа давлатлардан келадиган пул ўтказмалари 15 фоизга ошди.

– **Марказий банк тижорат банкларига фуқароларнинг розилигисиз уларнинг банк карталаридан маблағларни кредит тўловлари учун ечиб олишни тақиқлаганими?**

– Банк ва мижоз ўртасидаги шартномада мижоз кредит бўйича тўловларнинг банк картасидан ечиб олинишига розилик берган ҳолатлар бу тақиққа алоқадор эмас. Агар кредит олган жисмоний шахс банк билан тузган шартномасида кредитни қайтариш манбаи сифатида ўзининг карта маълумотларини берган бўлса, ўша картадан маблағ ечиш автоматик равишда давом этаверади. Шартномада қайд этилмаган ҳолатлар бўйича, масалан, мен кредит олган бўлсам, бунинг учун менинг оиламнинг картасидан қайтариб олиш тақиқланган. Агар мен б у



кар-тани ҳам кредитни қайтариш манбаи сифатида кўрсатган бўлсам, банкда пул ечиб олиш ваколати бўлади.

– **Пластикда пул сақлаш хавфлими?**

– Хавфсизлиги ўзимизнинг молиявий саводхонлигимизга боғлиқ. Яъни, пластик картангизнинг кодини бегонага айтмасангиз, бўлди.

– **Uzcard ва Humo терминалларини бирлаштириш қачон якунига етади?**

– **Ушбу саволга Марказий банк раисининг биринчи ўринбосари Нодирбек Сайдуллаев жавоб берди:**

– 2023 йилнинг май ойидан бошлаб "Uzcard" ва "Humo" банкматлари бирлаштирилганидан кейин йил охиригача терминаллар ҳам интеграциялашиши керак эди. Шу пайтгача бу тўлов операторлари ҳар хил софтдан фойдаланиб келган. Терминалларни бирлаштиришнинг кечга қолиши техник жараён ҳисобланади. Йил бошида 3 та банк, "Trastbank", "Infinbank" ва "Arxibank"да синовлар ўтказилди. Биринчи чорак охиригача интеграция жараёни якунига етади.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,**  
**"Ўзбекистон овози" мухбири.**



SPORT

-1  
-6 Қорақалпоғистон  
Республикаси  
Хоразм-2  
+3 Бухоро  
Навий-2  
+3 Тошкент  
Самарқанд  
Жиззах  
Сирдарё+2  
+7 Қашқадарё  
Сурхондарё-3  
+2 Андижон  
Наманган  
Фарғона+1  
+3 Тошкент  
шаҳри

## ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ ЧОРАК ФИНАЛГА

### ЙЎЛЛАНМА ОЛДИ

Осиё кубоги-2023 ним чорак финали доирасида Ўзбекистон миллий жамоаси Таиландни мағлуб этиб, чорак финалга йўлланма олган 5-жамоага айланди.

Доҳадаги «Ал-Жануб» ўйингоҳида кечган баҳс олдидан жароҳати сабабли Игор Сергеевнинг майдонга тушмаслиги аниқ бўлиб улгургани, учрашув арафасида эса яна бир ўйинчи – Отабек Шукуров тумов сабабли ўйинни ўтказиб юбориши маълум қилинди.

Учрашувни ҳужумкор бошлаган вакилларимиз 37-дақиқага келиб ҳисобни очиди. Шукуровнинг ўрнига майдон марказидан жой олган Диёр Холматовнинг ажойиб узатмасини Азизбек Турғунбоев чиройли зарба билан рақиб дарвозасига киритди – 1:0. Бу Азизбекнинг турнирдаги иккинчи голи бўлиб, Таиланднинг Қатарда ўтказиб юборган илк голига айланди.

Иккинчи бўлимни хотиржам бошлаган Сречко Катанец шогирдлари 59-дақиқада жазоланишди.

Супачокнинг жарима майдони ташқарисидан йўллаган зарбасини Уткир Юсупов қайтара олмади – 1:1.

Голдан кейин яна ҳужумкорликка эътибор қаратган вакилларимиз 65-дақиқада стадионни яна марта ларзага келтиришди. Машариповнинг узатмасини Аббосбек Файзуллаев жарима майдони ташқарисидан рақиб дарвозасининг узоқ бурчагига йўлади – 2:1.

Шу тариқа, Ўзбекистон миллий жамоаси қийин галабага эришиб, чорак

финалга йўлланма олган 5-жамоага айланди. Бунгача Австралия, Тожикистон, Иордания ва Қатар 1/4 финалга чиққанди. Ўзбекистон кейинги босқичда мезбон Қатарга қарши майдонга тушади. Уйин 3 февраль кuni бўлиб ўтади. Дарвоқе, Таиландга қарши учрашувнинг сўнгги дақиқаларида Абдуқодир Хусанов қўполлиги учун ҳакам томонидан оғохлантирилди ва ҳимоядаги етакчимиз Қатарга қарши ўйнамайдиган бўлди.

### «ЎЗСУВТАЪМИНОТ» АЖ:

## ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ЯНАДА КЕНГАЙМОҚДА



Жорий йилнинг 22 январь кuni Пекин (ХХР) шаҳридаги Осиё инфратузилма инвестиция банкининг (ОИИБ) бош қароргоҳида «Ўзсувтаъминот» АЖ бошқаруви раиси в.б Дилшод Азимов бошчилигидаги делегация ва ОИИБ Марказий Осиё бўйича инфратузилма инвестициялари департаменти директори Грегори Лю ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Унда ОИИБ иштирокидаги Бухоро вилоятида амалга оширилаётган лойиҳаларнинг жорий ҳолати ҳамда келгусидаги вазифалар муҳокама қилинди.

Осиё инфратузилма инвестиция банкининг иштирокида «Бухоро вилоятининг ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш ва модернизация қилиш» лойиҳасининг 1-босқичи доирасида «TUMAŞ-SEURECA» консорциуми (Туркия) томонидан Бухоро туманида ичимлик суви тизимини рекон-

струкция ва модернизация қилиш бўйича лойиҳа-қидирув ишлари амалга оширилмоқда. Лойиҳа доирасида Бухоро туманида «Қоражери», «Работак», «Чорбакр», «Кўчқумар», «Гала Осиё марказий» ва «Саховат» сув тақсимлаш иншоотларини реконструкция қилиш ҳамда 299,5 км масофада ичимлик суви тармоқларини қуриш белгиланган.

Шунингдек, учрашувда бир қатор қўшма лойиҳаларни амалга ошириш имкониятлари янада кенгроқ муҳокама қилинди. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилоятида сув ва канализация тизимларини такомиллаштириш лойиҳасини бошлаш истиқболлари ҳам белгиланди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ўтган йили халқаро молия институтларининг ўзлаштирилган маблағларидан 11,7 миллион доллар Осиё инфратузилма инвес-

тиция банки улушига тўғри келади.

Давлатимиз раҳбарининг Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи икки томонлама манфаатли ҳамкорликнинг мустаҳкамлашида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Мамлакатлар ўртасида ичимлик суви таъминоти ҳамда оқова сув хизматлари соҳасида ҳам ҳамкорликнинг ривожланиши қувонарли ҳол.

Жорий йил 23 январда Хитойда «Ўзсувтаъминот» АЖ ҳамда Хитойнинг Beijing Enterprises Water Group (BEWG) компанияси ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда Ўзбекистонда ичимлик ва оқова сув соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳамкорлик имкониятлари муҳокама қилинди ва компания фаолияти юзасидан тақдимот ўтказилди.

BEWG компанияси Хитойнинг инфратузилма объектларини қуриш ва бошқариш бўйича энг йирик компанияларидан бири бўлиб, 24,5 миллиард доллар капиталга эга ва дунёнинг 8 дан ортиқ мамлакатда ўз лойиҳаларини амалга ошириб келмоқда. Компания ичимлик ва оқова сув тизимларини бошқаришда ўзининг патентланган инновацион технологиялари ҳамда ақлли бошқариш (смайт менеджмент) тизимларидан фойдаланади.

Учрашув якунида компания вице-президенти Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклик асосида лойиҳаларни амалга оширишга қизиқиш билдирди ва жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида компания вакилларидан иборат делегациянинг Ўзбекистонга келишини маълум қилди. Ташриф давомида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш имкониятларини янада кенгроқ муҳокама қилиниши кутилмоқда.

Тоштемир МУРОД.



## КИМ ДОНОР БЎЛА ОЛАДИ?

Одамлар турли бахтсиз ҳодисалар натижасида жароҳат олиб, қон йўқотиши ва қон куйишга муҳтож бўлиши мумкин. Шунингдек, гематологик, онкологик касалликлар билан курашадиган инсонлар учун ҳам қон, унинг таркибий қисмлари, нундан тайёрланадиган до-рию препаратлар ўта муҳим.

Керакли қон қаердан олинади? Улар ҳақида кўп эшитамиз, ўқиймиз, ҳатто ўзимиз ҳам улар орасида бўлишимиз мумкин. Булар – донорлар. Лотин тилидан олинган бу сўзнинг маъноси ҳам «ҳада қилиш» дегани.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсияси-га кўра, аҳолини қон компонентлари билан таъминлаш учун қон топиришлар сони аҳоли сонига нисбатан ҳар 1000 кишига камида ўнтани ёки аҳоли сонига нисбатан 1 фоизни ташкил этиши керак.

Ким қон донори бўла олади?

Аваломбор, қон топиришчи бўлган инсон соғлом бўлиши шарт. 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган, тана вазни 50 килограммдан юқори, ўзини соғлом деб билган фуқаролар донор сифатида қон топириши мумкин. Янада аниқроқ айтганда, жинси, касби ва миллатидан қатъи назар, ҳар бир Ўзбекистон фуқароси қон донори бўлиши мумкин.

Энг биринчи навбатда хавфсиз қон бу – донор қони орқали ўтиши мумкин бўлган, инсон ҳаёти ва саломатлигига хавф туғдирадиган ОИБ, захм, Б,С,Д гепатит вируслари, малярия ва бошқа инфекциялар мавжуд бўлмаган қондир.

Қон хавфсизлигини таъминлаш ва хавфли инфекцияларни аниқлаш учун қон батафсил текширув (тест)дан ўтказилади. Бироқ шундай ҳолатлар ҳам кузатиладики, қасалиқнинг бошланғич даврида амалий тиббиётда қўлланиладиган лаборатор текширувларда ОИБ аниқланмаслиги мумкин. Шунинг учун хавфсиз қон олишда энг яхши йўл – доимий, беғараз донорларни жалб қилишдир. Чунки бу инсонлар саломатлиқ қоидалари ҳақида яхши ахборотга эга ва доимий равишда тиббий текширувдан ўтиб турадилар. Соғлом, беғараз донорлар эса хавфсиз қон кафолатидир.

Шаҳноза ИБРАГИМОВА,  
Сирдарё вилояти қон қўйиш станцияси врач  
лаборанти.

## СУД ЗАЛИДА ҚАМОҚДАН ОЗОД ЭТИЛДИ

Яқинда судда транспорт воситасини олиб қочиб, ўғирлик жиноятини содир этган Ф.Й. исмли аёлнинг иши кўриб чиқилди. У суд залига қўлига кишан солинган ҳолда олиб кирилди. Жуда аянали ҳолат. Нега бу аёл шу аҳволга тушди? Маълум бўлдики, 25 ёшли аёлнинг бир нафар вояга етмаган фарзанди бор экан. Ажрашган.

Уша кuni Ф.Й соат 22:00 ларда Чилонзор туманидаги тунги клубга бориб, спиртли ичимлик истеъмол қилади. У ерда бир йигит билан танишган. Табиийки, еган-ичганларнинг пулини эркак киши тўлаган. Ярим тунда улар Б.Т. бошқарувидаги ижарага олинган «Спарк» автомашинасига ўтириб, Яққасарой туманида жойлашган меҳмонхонага боришади. Меҳмонхона харажати ҳам эркак пул беради. Кuni бўйи кира қилиб чарчаган Б.Т. ухлаб қолган.

Ширақайф аёл хаёлига шум режа келади. Б.Т. нинг чўнтагидаги 400 АҚШ доллари ва 900.000 сўм атрофидаги пул аёлни тинч қўймайди. Б.Т. нинг ухлаб қолганлигидан фойдаланган аёл меҳмонхона қаршисида қаровсиз, эшик ойнаси қисман очик қолдирилган «Спарк»ка ўтириб, йўлда танишини олади. Танишига «туғилган кунимни тоғда нишонлаймиз», дея машинани Ҳазалкент томон ҳайдаган. Йўлда уларни ИПХ ходимлари тўхтатишган...

...Меҳмонхонада қотиб ухлаган Б.Т. тушликка яқин уйғониб қараса, аёл ҳам, машина ҳам йўқ.

У дарҳол МЧЖ ходимларига қўнғироқ қилиб, автомашина қаердалигини сўраган. Ходимлар замонавий техника воситаларидан фойдаланиб, «Спарк» Бўстонлик туманида эканлигини аниқлашган. Б.Т. ижарага олинган автомашина ўғирлаб кетилганлиги ҳақида ички ишлар органларга хабар берган.

Ҳозирда қилган ишимдан пушаймонман, - деди судда судланувчи Ф.Й. - Оилавий шароитимни, жабрланувчининг менга нисбатан даъвоси йўқлигини инобатга олиб, энгиллик беришингизни сўрайман.

Суд аёлга жазо тайинлашда барча жиҳатларни эътиборга олди. Унга уч йил синов мuddати белгиланди ҳамда эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, суд залида қамқдан озод этилди.

Фарҳод АБДУШУКУРОВ,  
Жиноят ишлари бўйича  
Яққасарой туман судининг судьяси.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON  
XALQ DEMOKRATIK  
PARTIYASI  
MARKAZIY KENGASHI

## O'zbekiston ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOVATOV  
Ulug'bek VAYOYEV  
Maqsuda VORISOVA  
Qalandar ABDURAHMONOV  
Guliston ANNAQILICHEVA

Muslihidin MUHIDDINOV  
Hayotxon ORTIQBOYEVA  
Shuhrat ISLOMOV  
Toشتهмир XUDYOYQULOV

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko'chasi, 50 «A»-uy.

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etiladi.

Korxonа manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Sahifalovchi: Bakzod ABDUNAZAROV

Г — 137. 3505 nusxada bosiladi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —  
Topshirilgan vaqti — 00:55

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.